

М. Даврон.

Ҳаёт

ва ӯрми

(Поэма)

33702

1944.

Шайхондор

84(59)6

HO 34273  
0

2000/30 1755	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-----------------	--



## ҲАЁТ ВА ЎЛИМ

(Поэма)

„Ҳозир юрагимда на қўрқиш, на ташвиш, на душманга марҳамат бор. Менинг қалбим душманга фақат қаҳругазаб билан тўйган. Юрак тилбирчилайди. Бу — бизнинг ҳаёт-мамот жангимиздир“.

(Б. Горбатов.)

1.

Дон бўйида гўза далада  
Серсукунат бир манзарада,  
Тонг ёришиб келмоқда аста.  
Уфуқ гўё қизил гулдаста  
Сочилгандай безанди бир дам.  
Майсаларда марварид шабнам;  
Лекин майсалардан нарида,  
Қора қони қотиб бариди,  
Тонг нуридан пана ўнғурда,  
Чангалзорда ётар бир мурда.  
Тугмалари узук, паришон...  
Дог ташламыш унга қора қон!

Яқин келди бизларга немис,  
 Кеча буйруқ олди қисмимиз:  
 Ваҳший ёвни этиш учун гум,  
 Тонг отганда бошлаймиз ҳужум.  
 Кеча ойдни эди, шарқдан у  
 Филдиракдай улкан ва жангжу  
 Бўлиб чиқди, қондай қизариб,  
 Осмон гумбазини қоқ ёриб!  
 Борган сари ҳусни очилиб,  
 Теваракка нури сочилиб  
 Суя бетида оқизиб зарлар,  
 Ва кўргазиб турти ҳунарлар,  
 Ҳар жангчида ўнбеш кунли ой  
 Пайдо қилди хаёл бир талай...

## 3.

Ҳар ким ўйлар ўз тақдирини,  
 Ўйнаб-кулиб ўсган ерини;  
 Кўз олдида бўлар намоён  
 Ҳаётдаги бахтли, гўзал он.  
 Бахтли онлар озмунча эмас,  
 Ҳаммаси ҳам бир-бирига мос  
 Гўзал либос блан ўтади,  
 „Тамоша қил!“ деб кўз тутади.  
 Кўрар эдик ёшлик паллада  
 Ипакчилар ипакни сада  
 Турли рангда бўяр эдилар,  
 Қатор териб кўяр эдилар.  
 Бахтлар бизда шундай терилган,  
 Бахтлар фақат бизга берилган!

## 4.

Ойга қараб ўйланасан жим,  
 Эй жонажон, айрилмас дўстим,  
 Кўз олдингда барқ уриб шу он  
 Кекса отанг бўлар намоён:  
 Соқоллари оппоқ, келишган,  
 Тутам бўлиб кўксига тушган;  
 Чол юради тетик, ғурурли,  
 Юзи нурли, соқоли нурли,  
 Ўша оппоқ, нурли соқолда  
 Минг йигитга қувват ва далда.  
 Шу соқолнинг ҳар тола мўйи  
 Битта-битта оқарган кўйи  
 Гувоҳ бўлиб қолмиш йилларга,  
 Ҳар мўй тенгдир бир талай зарга!

## 5.

Чол қайтганда тамоша боғдан,  
 Неваралар унга йироқдан  
 Югуради қанот боғлашиб,  
 Оппоқ соқолига тармашиб.  
 Чол эркалар соқоли блан,  
 Неваралар тил,— боли блан  
 Хурсанд қилар, қаҳ-қаҳ урарлар,  
 То шомгача бирга юрарлар...  
 Шом бўлганда келин ва ўғил  
 Уйга кириб келар ҳуш кўнгил;  
 Яна хурсанд қилиб уларни  
 Чол мақтайди невараларни.  
 Ош сузулаб, кампир кирган ол  
 Яна гурлар бу ширин макон.

## 6.

Ой чиққанда боғдаги сада  
 Ўйин қилар ҳушбўй супада,  
 Ўғил, келин, кампир блан чол  
 Кўк чой ичишади бемалол,  
 Чуғуллашиб, чарчаб болалар  
 Кўрпачада тин-тинч дам олар.  
 .Хурракчангдан аянг ўргулсин!  
 Дер ўғлига тикилиб Гулсум,  
 .Жуда шўх-да, омон бўлгуринг"  
 Дейди кампир, авж олар гурунг,  
 Болаларнинг қилиқ, ишидан,  
 Энди чиқаётган тишидан...  
 Гаплар хурсанд қилади чолни,  
 Силаб-силаб қўяр соқолни.

## 7.

Елпир тинмай боғнинг шамоли,  
 Кампирнинг оқ дака рўмоли  
 Муқом қилар ел эскан томон,  
 Ёш қизларнинг ишваси сумон;  
 Бутун атроф гўзал, келишган,  
 Бир-бирига жуда мос тушган,  
 Анқар сада-райхонлар ҳиди.  
 Қошил қилар бобойнинг диди:  
 Келинига келтирган балдоқ  
 Ялтирайди ойдан ўткиррок.  
 Агар чиқса бирор шикоят,  
 Чол бу ҳолга куйиниб ғоят,  
 Пиёлага, осмонга қараб,  
 Ҳаёт мазмунидан очар гап.

Чол сўзлайди: .Шу бе мавнат чой,  
 Мен гаштини сураётган ой,  
 Тип-тинч ётган невараларим,  
 Қадди тикка ёр-жўраларим,  
 Фақат шуни олсам, фақат шу —  
 Фарзандларим, катта давлат бу!  
 Ўтмишдан кўп сўзладим сизга,  
 Хунув, хунув! Совуқ у кўзга!  
 Бир пиёла сувни бемалол  
 Ичаолиш эди кўп маҳол.  
 Ой гаштини сурмадик тунлар,  
 Тутқунликда ўтди кўп кунлар.  
 Шу тинч кунлар, эрklar минг тилло,  
 Бунинг қадрин билинг сиз билло!

Уйқу аста келгач меҳмонга,  
 Чолу-кампир кстар айвонга,  
 Супадаги атлас кўрпалар  
 Икки ёшга мунтазир қолар.  
 Ором! Ором! Ширинсан қандай...  
 Сен бор ерда юзлар ширмондай.  
 Ёш хотиннинг ширин сўзлари,  
 Ишвали қош, хирсли кўзлари,  
 Ойдин тунда болқиган бадан,  
 Завқ ортдиранар кайта-қайтадан.  
 Тана яйрар, мавж урар кучлар,  
 Ойдин тунда, богда ўпишлар..  
 Қушлар тинар, шилдирамас сув,  
 Фақат нафас олади парқув.

Эрта блан ноништа маҳал  
 Кириб келар собиқ камбағал,  
 Муздек анжир, узум, шафтоли  
 Ва колхознинг шу йилги боли  
 Безар гўзал дастухонингни.  
 Сен қутлайсан янга жовингни.  
 Ширмон юзи кулиб янгажон  
 Суҳбатларга киргизади жон.  
 Сўзланади кўп янгиликлар,  
 Чексиз ҳосил ва енгилликлар...  
 Сўнг ёнбошга ташлаб қуш қараш  
 Янганг дейди ҳазл аралаш:  
 „Тоғанни ҳам келтирдим бирга,  
 Олиб бораёй бир театрга!“ .

Кампир бунга жавобан: „Оббо!“  
 Деб нонига суркар мураббо.  
 Тоға устун қўйиб ўзини,  
 Жиянига қисиб кўзини  
 Дейди: „Қистаб кўймади сра,  
 Устубошга бу жуда хра,  
 Зерикъанмиш кимхоб, атласдан.  
 Ҳатто нимча киймайди ласдан.  
 Энди креп-де-шен жанжали,  
 Олиб бераёй деб келдим ҳали!“  
 Бу ўртада болалар қий-чув,  
 Югуришиб, билмасдан қўрқув  
 Уйин боғлар мушук думига.  
 Севинасиз олтин зумига!



Сен ишчисан, хотининг Гулсум  
 Дарс беради қулинг ўргулсин!  
 Сен фабрика борган чоғингда,  
 Шогирдларинг сўлу — соғингда  
 Ҳунар ҳирси блан тўлишиб,  
 Тайёр турар хандон булишиб;  
 Сен қўл блан сочингни тараб,  
 Дастгоҳларга бирма-бир қараб,  
 Чаққон шимарганча евгингни,  
 Ўргатасан билган илмингни.  
 Куз олдингда алвон ранг читлар,  
 Турли савол берар йингитлар,  
 Зерикмайсан ишдан ҳечқачон  
 Фабрикангда юриб кечкача.

Кўз ойнакни суриб монглайга,  
 Меҳр блан сен турган жойга  
 Дядя Борис келар хуромон,  
 Шогирдлар-ла туриб ёнма-ён,  
 Жиянидан савол сўрайди.  
 Сенга таҳсин ўқиб яйрайди.  
 Бир-икки йил бундан илгари  
 Ҳозир ўргатганинг сингари  
 Ўргангандинг ундан ҳунарни,  
 Энди ўргатасан буларни...  
 Бунда ўзбек, рус, туркман, қozoқ,  
 Бари иноқ, бари хушчокчоқ.  
 Ватанимиз — дўстлик Ватани  
 Усто қилди ордоқлаб саян.

## 14.

Эсга тушар: бошланганда май  
 Тўпланишиб дўстлар бир талай,  
 Хар кимсада хурсандлик майли,  
 Қилганингиз қулфинай сайли.  
 Эркин юрак шўх-шўх уради,  
 Қадаҳларда май гупуради,  
 Гулзорларда чалинади най,  
 Лаганларда тўла қулфинай.  
 Ошатилагач сўнгги гурунчлар  
 Қайта-қайта авж олиб кучлар,  
 Ҳеч қаерга сизмай яйрар жон,  
 „Яблочко“ га уйнайди гармонь.  
 Булар бари ҳаётнинг нахши,  
 Яхши, яхши, барчаси яхши!

## 15.

Лекин ҳозир булар узоқда,  
 Зўр жанг бўлар тонг отар чоқда...  
 Бунда мутлоқ бошқа шароит,  
 На овоз бор, на шарпа, жим-жит;  
 Бу жим-житлик сирли, мазмундор.  
 Қаршимизда ахир душман бор!  
 Тонгда „уруш худоси“<sup>1</sup> ёвга  
 Ғазаб қилиб тутар оловга,  
 Биз найзани ўйнатиб бир-бир,  
 Ўқ ёғдириб мисоли ёмғир,

<sup>1</sup> Артиллерия – (ўртоқ Сталин та'бирича).

Душманларни қиламиз яксон,  
Балки уни яксон қилган он  
Ўзимиз ҳам шаҳид бўлармиз.  
Ватан ишқи учун ўлармиз...

16.

Майли ўлсак, ҳеч қўрқинч эмас!  
Ҳечким бунини нома'қул демас,  
Агар душман ўтса нарига  
Жафо келар ёшу-қарига,  
Гулдай гўзл умрлар бутун,  
Бўлажак кул, бўлажак тутун;  
Бизни кутар миллионча кўзлар,  
Шу душманини тўсучи бизлар!  
Биз ўлимни ўйлаваймиз ҳеч!  
Ўйимиздир енгил эрта-кеч.  
Гар ўйласак, ўлимни ҳарчоқ  
Ёв ўлимин ўйлаймиз мутлоқ.  
Юрт бўлсин деб омон-омонлик,  
Кўрсатамиз биз қаҳрамонлик.

17.

Кўрсатмасак биз қаҳрамонлик,  
Юрт бўлмаса омон-омонлик  
Ўлганда ҳам тинмас жонимиз  
Бузулажак хону-монимиз.  
Тасаввур қил, дўстим, агарда,  
Ўша униб-ўсган шаҳарда  
Ҳукмронлик бошласа неми  
Қандай бўлар бизнинг ҳолимиз?  
Немис қадам қўйгани чоғи

Хотининининг гулдай яноғи  
Сарғаяжак ва қолар рангсиз  
Отанг дейди: „Ҳаҳ, эсиз! Эсиз!“,  
Дард айтгани чиқса эшикка,  
Немис „Стил!“<sup>1</sup> деб келар тикка.

18.

Нуроний чол букиб белини,  
Тушунмасдан немис тилини  
Не деярин билмасдан турса,  
Немис унинг юзига урса,  
Оҳ, ва кечар унинг ҳолида!  
Фигон чекар мушфиқ волида.  
Ўзингачи? Кулар хиххиллаб,  
Фабрикангдан сени пиххиллаб,  
Олиб чиқар қўлингдан ушлаб,  
Тутқизади шипирги, кучлаб.  
Инкор қилар мастерлигингни.  
Таққир қилар мард, шерлигингни,  
Дона-дона сқар кўз ёшинг,  
Ва қуйига соливар бошинг...

19.

Ойдин тунда тинч ичган чойинг,  
Атлас кўрпа тўшалган жойинг  
Қайда қолганини билмассан.  
Ором учун уйга келмассан.  
Болалар-чи? Дўндук болалар?  
Қайда тинчир? Қайда дам олар?  
Ўйинчоқлар ўйнашдан тиниб,

Шўхлик қилмай, қапоти синиб,  
Меҳр учун кўзи мўлтираб  
Аясидан сўрар дилдираб:  
„Ая, нега ишга бормайсиз?  
Нега қолдик бизлар ширмойсиз?“  
Нима жавоб берар хотининг?  
Қандай бўлар аҳволинг сенинг?

20.

Туша олмас тоғанг шаҳарга,  
Янганг юрмас театрларга,  
Чириб тушар креп-де-шени  
Бажаргунча бойнинг ишини.  
Рўзгорлари, сигир, ҳўкизи,  
Қўрасида бўлган қўй-қўзи  
Сенга палов бўлучи шоли,  
Гул қишлоқнинг хуш ҳилли боли.  
Шафтолилар, қовун, узумлар  
Четга кетар... ва олтин зумлар  
Тутун бўлиб учади кўкка,  
Тоға, янга тушади чўкка,  
Қамчисини ўйнаб атайин  
Тепасида турар хўжайини.

21.

Ўттизлардан ошганда ёшинг  
Истайсанми ҳам бўлсин бошинг?  
Истамайсан, дўстим, аён бу,  
Шунинг учун ҳаммамиз жангжў,  
Барчамизда эўр ўч душманга,

Ҳеч қўймаймиз уни гулшанга!  
Ўтган оқшом йиғилиб тўп-тўп,  
Жону-дилдан ўкуган мактуб  
Ҳаммамизнинг қўлимизда бор,  
Бу хат ҳар чоқ жангда бизга ёр.  
Элу-юртдан келган бу нома  
Бизга зўр куч, бизга жангнома,  
Очар ҳаёт мазмуниimizi,  
Кучлантирар хужумimizi!

22.

Эл ёзади „Юз йил қул бўлиб,  
Жигар-бағринг зардобга тўлиб,  
Яшагандан кўра, бир сутка  
Душманингни ёндириб ўтқа,  
Мағрурланиб, кўкракни кериб,  
Миллион халққа эркинлик бериб  
Лаззатланиб ўлган яхшидир.  
Шу-чин ҳаёт, умр нахшидир!  
...Шундай мас ул, шундай кескин чоқ  
Ўртангизда бўлмасин кўрқоқ!  
Бўлса ақли шошган, кўрқоқлар,  
Жазосини беринг, ўртоқлар!  
Қочоқларга итнинг ўлими,  
Тўсинг кўрқмай душман йўлини!“


23.

Куёш гўё ёвга вулқондай  
Бизга эса жангда қалқондай  
Танга ғайраг киргизиб минг-минг  
Кутарилди уфқидан шарқнинг!

На'ра тортди „Уруш худоси“  
Кучли замбараклар нидоси  
Жон киргизиб ҳатто бежонга  
Чарлар эди бизни майдонга;  
Биз тайёрмиз, яна бир минут...  
Пулемётлар очган замон ўт  
Тикка ўрнимиздан турамиз,  
Ватан! Сталин! деб юрамиз.

24.

Бизлар кетдик! Гўзал, кенг яланг  
Қучоғида қизиб кетди жанг.  
Ватан учун! Сталин учун!  
Аямади шаввозлар кучин.  
Ўлдирилган ҳар аблах немис  
Бизга шавкат, мардлик исмимиз!  
Улуғ совет халқлари, бари  
Бир буюк тан, ботир сингари.  
Фашистларни қувамиз нари,  
Нари! Нарил Ва ўлим сари..  
Юрт бўлсин деб омон-омонлик,  
Кўрсатамиз биз қаҳрамонлик!  
Халқ шу жангда бизга берар ном  
Ботир бўлиб, яшаймиз мудом!



## ОНТ

Сафимиз қўрғошиндай.  
Тогнинг яхлит тошидай  
Қимир этмайди!

Найзалар жувур-жувур  
Ўйнаб кундан томган нур,  
Нари кетмайди.

Биз онт ичамиз бир-бир,  
Титрайди атроф дир-дир  
Овозимиздан;

Қалб жангги ҳисга тўлиқ,  
Та'лим олганмиз улуг  
Устозимиздан.

Ҳар жангчи такрорлар тенг:  
„Биз Советлар юртининг  
Гражданимиз...“

„Тайёр миллиқ ва қилич,  
Ватан учун барча куч  
Ҳатто жонимиз!“

„Гар юрақни босса кир,  
Қўзғолса ёмон фикр  
Юзимиз қора;“

„Юз қораликка лойиқ  
Жазо берсин халойиқ,  
Қилсин садпора...“

Овозлар гуркирайди.  
Найзалар ярқирайди,  
Сафимиз яхлит!



Сўнг комиссар барқ уриб,  
Чиқар оҳиста юриб  
Бир қуёш тахлит.  
— Жангчилар, бўлсин қутлуқ.  
Жанговар ҳисга тўлиқ.  
Сизлар ичган оит.  
Янги, дадил куч блан,  
Ёвга чексиз ўч блан,  
Тўлади фронт!  
Жавобимиз тез, бурро.  
Биз қичқирамиз „урро!“  
Жону-дил блан.  
Ватанга зўр муҳаббат  
Изҳор қилинар қаг-қат  
Шу он тил блан.  
Сафимиз қимир этмас,  
Поёнига кўз етмас —  
Чексиз, мустаҳкам!  
Жангчининг турмушида,  
Курашида, ишида  
Бу — энг қиммат дам..

### МОСКВАМ

Тунда уйқу олмайди кўзни  
Дил такрорлар ҳамон бир сўзни:  
Москвам сен худди онамсан!  
Бизга фидо қилгансан ўзни!  
Бизга ўзни фидо қилганинг,  
Оналарнинг меҳридан ортиқ,  
Бизни фарзанд каби билганинг  
Умримизга энг ширин тортиқ.

Гўдак чоғда пешонамизда  
Сездик муруватли қўлингни,  
Ҳар чоқ эдинг сен ёнимизда  
Севдик бошлаб кетган йўлингни!

Сен бошлаган йўл баҳор каби,  
Очди қанча-қанча дилларни!  
Сенда бўлган ҳаёл талаби,  
Озод қилди мазлум элларни.

Халқ дўстлиги дилларга пайванд  
Бўлган она сутинг сингари,  
„Москвага меҳримиз баланд!“  
Дейди хуррам халқларнинг бари..

Сенда яшар башар қуёши,  
Сен Лениндан юксак нишона:  
Сенда қурур дун'ё кўз ёши,  
Сенда азиз бўлар пешона!

Остонагни босганда душман,  
Билсанг бизда қандай изтироб.  
Чунки сенда биз бир жон, бир тан,  
Қандай мумкин тинч турмоқ қараб?

Тинч турганда юрак йўқ, ҳис йўқ,  
У бегона сенинг зеҳнингдан,  
Маҳрумдир у, сенинг соф илиқ,  
Оналарча чуқур меҳрингдан.

Сенга ҳамла этган ёвларга,  
Барча халқлар ўқийди нафрат.  
Сени сақлаб, душманга зарба  
Берган ҳар шахс қозонар шухрат.

Қийин эмас ҳатто жон бериш  
Москванинг ён тупроғида,  
Лекин ёвга пойтахтга кириш  
Мумкин бўлмас ҳеч-ҳеч чоғида!

Унда яшар башар қуёши,  
У Лениндан юксак нишона,  
Унда қурур дун'ё кўз ёши,  
Янчилажак ёвуз пешона!

### ЖУФТИМГА

Кўзни юмганим замон  
Сен қаршимда намоён;  
Кулар қийғоч кўзларинг,  
Атр гулдай юзларинг  
Оламни қилар баҳор!  
Кўнглим тип-тинч, беғубор.

Ўйнар ишвали қошинг,  
Менга эгилар бошинг;  
Боқаман кўзларингга,  
Тикилиб юзларингга,  
Ишвали қайрилма қош,  
Кўксимга эгилган бош  
Кўп йилдир менга сирдош,  
Ўзинг умрли йўлдош!

Сезиб қулочларивгни,  
Силайман сочларивгни,  
Ўнг бетингда қорз қол,

Лабларингдан томган бол  
Тамин сезаман гўё,  
Лекин булар бир рўё!  
Очилур бирдан кўзим,  
Хатга тизилар сўзим:  
„Хоним! Мазмунга тўла  
Икки хатни бир йўла  
Олдим, ўқидим қониб,  
Завқ блан пар-пар ёниб  
Ўтирибман шу палла,  
Шодман, лабимда ялла.

„Беш кундир немисларни  
Қувиб, олиб шаҳарни  
Қуршадик тўқайзорда;  
Эрта эриган қорда  
Қолди гуж ўликлари,  
Қуроллари, юклари...  
Қуршовда тиреклари.  
Интилар эди нари,  
Броқ бизнинг дов ҳужум,  
Қўярми қилмасдан гум!  
Таслим бўлмас экан ёв,  
Биз шафқатсиз, бе аёв;  
Дашном бериб минг марта,  
Қирамиз шарта-шарта...

„Қисдик, қисдик қуршовни,  
Кеч пайти маккор ёвни  
Тамом қилдик биз қириб,  
Сўнг голибона юриб,  
Кўкракда лим-лим шодлик

Эла бериб озодлик,  
Гўзал тонг отар чоғи  
Бир колхознинг зўр боғи  
Кўйнига йиғилишдик,  
Дам олишдик, кулишдик...  
Ёқимли хидлар сепиб,  
Юрагим гурс-гурс тепиб  
Ўқидим мактубларни,  
Эсладим кўп-кўнларни...  
Хатлар, хатлар, хатларжон  
Кўз нури, руҳга дармон  
Ҳоним! Сен совет қизи,  
Хатингда мардлик сўзи  
Барқ уради ҳар карра,  
Дўстга куч, ёвга дарра.  
Ҳеч бўлмаса, ҳар ҳафта  
Севган элдан ҳар хатда  
Ёзасан кўп хабарлар,  
Бари курашга чорлар.  
(Шу хил минглаб аёллар,  
Севгили, сўзи боллар  
Дўстларига ёзиб хат,  
Мардлик тилайди беҳад)  
Тинган, жанг қилган онда,  
Хатларинг доим ёнда;  
Ҳали олда қизгин жанг,  
Ёвни қилиб биз тажанг  
Қувамиз нари-нари,  
Шубҳасиз ўлим сари!  
Мени ўстирар жанглар,  
Ўзгарар сўзлар, ранглар,

Тус олар бардам-бардам,  
Сеч кўз олдимда ҳардам!  
Мени ўстирсач сўнг жанг,  
Юртдаги йигит-яланг  
Олқишлар саломимни,  
Тилга олар номимни:  
„Қаҳрамон, ботир Даврон“  
Сен эса, дерсан: Жон! Жон!“

### *ЎҒЛИМНИНГ ОШИҒИ*

Ўғлим, қанча кўзичоқларни  
Сигирларни, мол-бузоқларни,  
Сўйдик, едик, суякларини  
Ҳар тарафга пуркдик барини.  
Овқат чоғи бўлганда ҳар дам,  
Кўз олдимда турдинг сен, эркам,  
Мен кетганда бир икки тишинг  
Чиқиб, энди турли хоҳишинг  
Севинтирган эди бизларни.  
Қувонтирган эди кўзларни.  
Шундан бери кўрмадим сени,  
Кеча-кундуз банд қилдинг мени.  
Туш кўраман: бир сидра фақат,  
Кўринасан, тугалиб тоқат,  
Уйғонаман, то боткунча кун,  
Кўз ўнгимдан кетмайсан бутун.  
(Сени ўйлаб бағирларим хун)  
Ёнгинамда бўлсам хар маҳал,  
Онанг блан, сени галма-гал,  
Эркалатсак, ўпсак, сайратсак,

Кўнгилчангни тоза яйратсак!  
Шу хил ўйлар пайдарпай мени  
Банд қилади, ва мен ҳам сени  
Кўз олдимда сақлайман ҳар чоқ,  
Мана бу бир қизиқ ишга боқ:  
Бир кун овқат ичканим замон,  
Чиқди ундан катта устихон,  
Пайқаб қолди отанг — хаёлчи,  
Устихонда ошиқ бор — олчи,  
Ошиқмисан, ошиқжон, лекин  
Жуда кичик! Мен уни секин,  
Узиб олдим солдим чўнтакка,  
Олчи қўйдим, қўймадим пушка,  
Бу ошиқча, дедим, ўғлимга,  
Кувонч кирди шу он қалбимга  
Хизматимни яхши бажариб,  
Ёв қонини тупроққа қориб,  
Эсон-омон мен борганимда,  
Ўғлим ўйнар буни ёнимда.  
Яхши ният сақлаб шу ошиқ,  
Чўнтагимда ҳар дойим шиқ-шиқ,  
Унча-бунга урилиб юрар,  
Албат, эсон боргунча турар!

### ЎҒЛИМГА

Оташим, ўғлим ажаб ўсмоқдасан дўндиққина,  
Юзларим қўйсам мулоим юзларинг иссиққина,  
Энди-энди сайраятган тилларинг пишиққина,  
Дия қувончим, шодлигим ўттизга кирганда ёшим.

Сен туғилдинг тинч маҳал, ўстинг хатарсиз неча ой,  
Мен эмас, балки бутун кенг элга ҳам сен эркатой,  
Кел бери, „хайр, Оташим!“ оппоқ юзингдан бир ўпа  
Ҳар ачақ олганда гўё кўкка етгундай бошим.

Меҳрибон юртим учун кетмакдаман майдон сари,  
Мен каби минглаб йигитлар ёвни қилгай кўлкари,  
Ёв қутнамас зарбимиздан, бўлгай абжақ қаншари,  
Уйда ҳордиқ Оташим, йўлларда ҳар чоқ йўлдошим.

Қул қилалмас бизни ҳечким, ит фашистнинг фикри :  
Дўст кулар, ўғлим сенинг бошинг силар бу юрт му.  
Тарқалур бизнинг курашдан ер юзига яхши ном  
Қайда бўлсам ҳам омон бўл, эй севикли Оташим.

## УКА СЎЗИ

Акажоним, „хайр!“ дедингиз боғларга,  
Юмшоқ қараш ташладингиз тоғларга,  
„Сра омон бермайман, деб, зоғларга!“  
Ва’да бериб кетдингиз ўртоқларга.

Душман блан олишинг куч борича  
Танасини қилинг сиз парча-парча!

Сиз қўриқчи, бизлар бунда кўнгил тўқ,  
Ҳам ўқиймиз, ҳамда ўйнаймиз шўх-шўх  
Снам дейди: шу ўғлимдан тасалдиқ,  
У жанг қилса, душманларга ҳеч йўл йўқ!

Душман блан олишинг куч борича  
Танасини қилинг сиз парча-парча!



Салом айтинг дўстларингизга биздан,  
Хар биттаси азиздир бизга кўздан.  
Ишонамиз, қайтмаймиз асло сўздан,  
Ёни янчиб қайтиб келасиз тездан.

Душман блан олишинг куч борича,  
Танасини қилинг сиз парча-парча!

### ОШИҚИЧ

Битти баҳор ёмғури  
Гул тўкди афлисунлар,  
Бу ернинг дала қири,  
Кўп ўзгарди шу кунлар...

Қўлимда янги милтиқ  
Ётаман майсазорда.  
Ҳаёт гаштига тўлиқ,  
Жанговор бир қаторда.

Қирларга назар солсам,  
Гўё менга бир қатлам,  
Шунча чексиз далалар,  
Менинг юришимга кам.

Чушки мен қизил аскар,  
Буюк ишлар кутмоқда.  
Шағқ блан ёниб пар-пар,  
Қизгин кунлар ўтмоқда.

Афлисун япроқлари,  
Силкиниб майин-майин,

Хушбўй, ноёб ҳидила  
Жалб этади кун сайин

Лекин эй хушбўй дарахт,  
Мен сени кутолмайман,  
Меваларинг пишган вақт,  
Ёнингдан ўтолмайман.

Кеч кузакда пишасан,  
Тип-тиқиқ, олтин каби,  
Лекин кузгача юртнинг  
Мендан кўпдир талаби.

Кетажакман яқинда  
Жовлон уриб жанг сари,  
Қувғали немисларни  
Варшавадан ҳам нари.

Балки мевангни ерман,  
Гўзал Висла<sup>1</sup> бўйида,  
Яна тотли бўлар у,  
Ғалабамиз тўйида.

## КАСПИЙ

### I

Каспий, каспий шу улуғ жанг кунлари,  
Юзларингда бир жиддият, бир виқор,  
Кемаларнинг чиқарган тутунлари  
Теваракка шайланиб қанот қоқар.

<sup>1</sup> *Висла* — Польшанинг дарёси.

Дегиз сатҳи, тола ҳаво ва осмон  
Кўнглимизда баҳор ясар минг карра,  
Кўз қувониб, танамизда яйрар жон,  
Чунки яқин қолди жанговар марра.

## II

Бу ерларнинг осмони паст  
Юлду қўл етгудай.  
Ёмғирлардан, шамоллардан  
Бошингни беркутгудай!

Кечалари ой нур сочар  
Шипдаги фанор каби,  
Шу ой блан юлдузлардан  
Кўнглимнинг бор талаби:

Ёрим ҳозир ухламоқда  
Ўрик таги, супада,  
Юзларини елпимоқда  
Тунги салқин шабода,

Бир боқгин ой, бир тикилгин  
Севганимнинг юзига,  
Қараб кўрчи юзидаги  
Соғинишинг изига.

Сўнгра сенга мен тикилай,  
Шу'лаларингни томиз!  
Шу'ланг блан қучишайлик  
Ёрим блан иккимиз...

Мен боқаман, ой кулади  
Менга яқин ўлдинг деб,

Тарк этмайман боқишимни  
Ҳушбўй майдонга чиқиб.

Сарв оралаб сузиб ўтар,  
Худди қўлим етгудай  
Соғинаман, кўз тутаман  
Бўлса ботиб кетгудай!

### III

Шаҳар ухлар осуда,  
Елпийди мажнун толлар,  
Бошимда тўда-тўда  
Кўп чиройли хаёллар...

Ҳув анави эшикча  
Уйгинам бўлса менинг,  
Оғушида шу кеча  
Ётсам ширин уйқунинг.

Тўшагим юмшоқ, кўксим  
Турли завқларга тўла,  
Уйда ой нури лим-лим  
Ўйнаса кула-кула.

Ўғлим саҳар уйғониб,  
Сўзласа ширин-ширин.  
Ота меҳрига қониб  
Порлоқ сезса тақдирин.

Лекин уйим йўқ буида  
Оташ узоқда қолган.  
Гитлер номли шарманда  
Менинг тинчимни олган.

Мен ухламайман тулар  
Юмшоқ тўшагим ҳам йўқ.  
Битсин дея қузғунлар,  
Қалбим ғазабга тўлиқ.

Гитлер, Гитлер деч омон  
Қутулмассан бизлардан!  
Гарчи Берлингача қон  
Кечишсақда тизлардан.

### ҲИСРАВИЙ

Сазатлар қатор — қатор,  
Ичи тўла анжир бор.  
Қопқора шарбатлиси,  
Сариқ, гуппуллар иси,  
Учинчисин билмайман,  
Назарга ҳам илмайман,  
Ранги сабсар гул каби,  
Билмам қандайдир тами.  
Ёнимда бир реалъ пул,  
Бутун бойлигим ҳам шул.  
Олайн қай бирини,  
Қайси бири ширини,  
Сабсариги танишдир;  
Олмоқлик тўғри ишдир.  
— Арбоб! дейди кулиб қиз,  
Бунисини олинг сиз,  
Буни Ҳисравий дермиз,  
Кўпроқ биз шуни ермиз.

Дейман: :Эй, Эрон қизи,  
Ҳар чоқ қўллайсан бизи,  
Фойдадан ҳам кечасан,  
Дойим меҳр сочасан.  
Ҳисравий чиндан шакар,  
Ранги гўзал оч сабсар...  
Халқ шоҳга раво кўрган,  
Ҳисравий деб ном берган.  
Раво кўрдинг сен бизга,  
Ҳурмат, олқиш сен қизга!"

### ПОСТДА

Ойдин кеча. Дар'ё сувида  
Этак-этак сқмоқда зарлар,  
Ёқимли ел ўйнақлаб жуда  
Кўрсатмоқда тугли ҳунарлар..

Япроқларнинг шувур-шувури,  
Меналарда юрган ой нури,  
Ялпизларнинг анқиган ҳиди.  
Қушчаларнинг майин вит-вити;  
Жадал блан учкан ҳар тутун,  
Ҳар галгидан ёқимли шу туи,  
Кўп малоҳат, сўлумлик бари,  
Барчаси шу елнинг ҳунари!

Дар'ё оша ўтган кўприк,  
Гўёки зўр қушнинг қаноти,  
Шу кўприкка боғланган тирик,  
Қанча-қанча жоннинг ҳаёти.

Мен постдаман. Еқимли шу тун,  
Дилда завқни оширар қат-қат,  
Кўз тикаман: атрофда бутун  
Яшаш! Яшаш наш'аси фақат!

Ўлим деган нарса бор деса,  
Ишонгиси келмайди киши!  
Лекин постда, шу постда эса  
Кўп хавфлидир душманнинг иши.

Кўзлар тетик, қулоқлар ҳуш'ёр  
Ҳуш'ёр! Ҳуш'ёр бўлингиз жуда,  
Диверсантдай ҳунук нарса бор  
Бир иш бошланмасин беҳуда!

Ҳозир поезд келар гулдираб  
Ўтсин мағрур, тип-тинч, беозор...  
Кун чиқишдан ғарб томон қараб  
Мамлакатга кетсин зўр мадор.

...Нега қуриллаган бақалар  
Жим бўлди-да шунғиди сувга?  
Тип-тинч тунда қўққис шу қадар  
Асос борми бирор қўрқувга?

Синчиклайман. Сувнинг юзидан  
Бир кўланка юрар, гилдираб:  
Кўприкнинг остида шу дам  
Майда тошлар аста шилдираб...

Қичқираман. Овоз бермасдан  
Тараддуди қочиш ногуҳон,

Аниқ бўлди у ифлос, паст тап  
Бир ҳунук иш қилган, бегумон!

Милтиқ жоним, дўстим, паноҳим!  
Мени алдамагансан ҳеч чоқ,  
Сен кўтарил, мен мўлжаллай жим,  
Ёв кўксини ёриб чақмоқ чоқ!

Милтигимнинг овози янграб,  
Ўзим мағрур қараб тураман,  
Қора соя бир лаҳза ганграб,  
Гуппанг йиқилганинг кўраман.

Дўстлар етиб келди вақтида,  
Текширилди атроф шу маҳал,  
Сал бўлмаса кўприк остида  
Портлай деган экан амонал!

Кўз олдимга келади шу он  
Парчаланган қонли таналар,  
Сувга ботган юкли кўп вагон,  
Фигон чеккан, сарсон оналар...

Йўқ! Булар йўқ, омон-омонлик!  
Ҳар кунгидай тинч ўтар поезд,  
Душман қилолмайди ёмонлик,  
Кўприк бутун, бутун темир из.

Кўприкнинг бошида мағрур  
Қараб турар шонр-часовой,  
Теварагим сутдай оппоқ нур.  
Кўкдан боқиб кулиб турар ой.



## БАНДАР — ШОҲДА

Булутлар супрага қўйилган  
Зуволалар каби ёйилган,  
Узоқлардан қирғоққа томон  
Шошилмоқда бир неча елкан.

Қуёш аста-аста, эринмай  
Ранг киргизди зуволаларга,  
Теварагим аса билинмай  
Тўлиб қолди ёш болаларга:

— Арбоб, давэй, қарандаш давай!  
Чуғуллайди ҳа деб болалар,  
Ёнбошимда ҳали индамай  
Кулиб қараб турмоқда шаҳар.

Бирдан титраб жим-жит ҳаволар  
Янғирайди гудок товуши,  
Завод чуқур-чуқур тин олар,  
Бошланади кундузги иши.

Хиёбони Сайдийдан ўтиб  
Дўкандорлар келар битталаб,  
Мўйсафидлар тасбиҳни тутиб,  
Ўтар номоз учун эрталаб.

Жаранглайди бизнинг ашула:  
„Сталиндир жангда шонимиз!“  
Олқиш блан соз кула-кула  
Қўл силкитиб қолади бир қиз.

Йўлда ҳуштак чолар паровоз  
Жўнатмоққа тайёр Техронга  
Вагонлардан ҳушнуд бир овоз:  
Салом! Салом! Ҳамкор Эронга!

### ТЕМИР ИЗЛАР

Ўтирибман тепада,  
Қаршимда темир излар:  
Тўхтамай минут сайин  
Ўтмоқдадир поездлар,  
Темир излар, темир из!  
Балли бардошингизга!  
Олқишлай вагонларни,  
Яқинлаб қошингизга!  
Эҳе, эҳе вагонлар!  
Кўз етмас поёнига,  
Ҳарбири ором берар  
Жангчиларнинг жонига,  
Ватанимиз поёнсиз,  
Кўпдир темир излари,  
Порлар пароҳларнинг  
Қип-қизил юлдузлари,  
Осмон юлдузидан кўп  
Шу порлаган кўлдузлар,  
Белбоғ каби ўралган,  
Юртимга темир излар.

Юртим! Белбоғларнинг мўл  
Бетинг бақувват жуда,  
Фашистларнинг қути қилиш  
Ҳаёллари беҳуда.

Текст

28 мн.

37 - обннн.

15 зрѣблнн. нѣтѣ

30 - обннн.

14 - обннн.

5 - нозоз.

28. нннннн

8нн - нн

6 - ноз.

10 - Пннннн.